

**CONCEPTUAL AND PRACTICAL APPROACHES TO SOLVING ETHNIC PROBLEMS****Farkhod E. Karimov**

Associate Professor, Doctor of Political Science (Dsc)

International Islamic Academy of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: farkhodkarimov1987@gmail.com**ABOUT ARTICLE**

Key words: ethnic problem, homogeneous and heterogeneous societies, mono-ethnic, multi-ethnic, non-ethnic states.

Received: 13.11.22**Accepted:** 15.11.22**Published:** 17.11.22

Abstract: In this article, the concept and principles of the ethnic problem, the existing theoretical views and conceptual approaches to solving the ethnic problems, the historical-legal basis and political mechanisms of solving the ethnic problems are studied and analytically researched. It also reveals issues of solving ethnic problems in mono-ethnic, multi-ethnic, non-ethnic (not based on any ethnic groups) states or in homogeneous and heterogeneous societies.

ЭТНИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА КОНЦЕПТУАЛ ВА ТАТБИҚИЙ ЁНДАШУВЛАР**Фарход Э. Каримов**

доцент, сиёсий фанлар доктори (Dsc)

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: farxodkarimov1987@gmail.com**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: этник муаммо, гомоген ва гетероген жамиятлар, mono-ethnic, multi-ethnic, non-ethnic давлатлар.

Аннотация: Мазкур мақолада этник муаммо тушунчаси ва тамойиллари, этник муаммоларни бартараф этиш бўйича мавжуд назарий қараш ва концептуал ёндашувлар, этник муаммоларни ҳал этишнинг тарихий-ҳуқуқий асослари ҳамда сиёсий механизмлари ўрганилган ва таҳлилий тадқиқ қилинган. Шунингдек, унда mono-ethnic, multi-ethnic, non-ethnic (бирор бир этник гуруҳларга асосланмаган) давлатларда ёки гомоген ва гетероген жамиятларда этник муаммоларни бартараф этиш масалалари очиб берилган.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К РЕШЕНИЮ ЭТНИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ

Фарход Э. Каримов

Доцент, доктор политических наук (DSc)

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: farkhodkarimov1987@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: этническая проблема, гомогенные и гетерогенные общества, моноэтнические, полиэтнические, неэтнические государства.	Аннотация: В данной статье исследуются и аналитически исследуются понятие и принципы этнической проблемы, существующие теоретические взгляды и концептуальные подходы к решению этнической проблемы, историко-правовые основы и политические механизмы решения этнической проблемы. Также раскрываются вопросы решения этнических проблем в моноэтнических, полиэтнических, неэтнических (не основанных на каких-либо этносах) государствах или в гомогенных и гетерогенных обществах.
--	--

КИРИШ

Этник муаммоларни бартараф этиш бўйича назарий қараш ва концептуал ёндашувлар ушбу мақолада атрофлича таҳлил қилинган бўлиб, унда mono-ethnic, multi-ethnic, non-ethnic (бирор бир этник гуруҳларга асосланмаган) давлатларда ёки гомоген ва гетероген жамиятларда этник муаммоларни бартараф этиш масалалари очиб берилган. Бу борада, биринчи навбатда, этник муаммо билан сепаратистик ҳаракатлар ўртасида боғлиқлик ва қарама-қаршилик ҳақида фикр юритилган. Бунинг муаммоли тарафи шундаки, бир нечта давлатларда этник (сепаратистик) ҳаракатлар террор ташкилотлари сифатида қабул қилинса, баъзи давлатлар этник мансубликка асосланган ҳаракатларни террор ташкилоти деб қарамайди. Масалан, Испания баскларнинг Баск юрти ва эркинлиги (ETA) ташкилотини, Буюк Британия ирландларнинг Ирландия республика армияси (IRA) ташкилотини, Туркияда Курд ишчи партияси (РКК) ташкилотини, Шри-Ланка тамилларнинг Тамил Қоплонлари ташкилотини, Исроил фаластинликларнинг Хизбаллох ташкилотини сепаратистик, бузғунчи террор ташкилотлари сифатида кўради. Лекин юқорида айтиб ўтилган ташкилотларга барча давлатлар ҳам террор ёки сепаратистик ташкилотлар сифатида қарамайди. Бу ердаги муаммо қайси ҳолатда этник атрибутларга асосланган ҳаракатлар сепаратистик ёки террор ташкилоти деб қабул қилиниши ва қанча давлат тарафидан эътироф этилиши илмий жиҳатдан ҳам, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам мукамал ишлаб чиқилмаганини кўришимиз мумкин. Мавжуд илмий ёндашувлар бир-бирини инкор қилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ушбу мақолада турли ижтимоий-сиёсий муаммоларни таҳлил қўлланиладиган илмий методлардан ва ёндашувлардан фойдаланилган. Жумладан, этнология, социология, этносиёсий муаммоларга оид сўнги илмий ишлар ва расмий маълумотларнинг контент таҳлили амалга оширилган. Бунда, этнологияда миллатлар ва этник гуруҳларнинг таснифлашда энг кўп қўлланилган таянч тушунча ҳамда назарий ёндашувлар умумлаштирилган ҳолда хусусий хулосалар шакллантирилган. Мазкур хулосалар ҳозирда дунёнинг турли минтақаларда кузатилаётган миллатлараро ва этник муаммоларнинг ивент таҳлили натижаларига кўра асосланган.

Шунингдек, этник ўзликни англашга оид назарий ёндашувлар қиёсий таҳлил қилинган ҳолда бу борадаги шахсий ёндашув асосланган. Мақоладаги илмий хулосалар асосан тарихий таҳлил асосида асосланган. Айрим ҳолатларда тадқиқот объекти этник гуруҳларнинг маданий ва этник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда этнография методларидан фойдаланилган.

Замонавий даврда энг мураккаб масалалардан бири этник муаммо эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Аввало, этник масалани миллат билан нима боғлашини ва этноснинг миллат тушунчасидан фарқли жиҳатлари бор ёки йўқлигига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Этник ўзига хослик миллатчиликнинг асосларидан бири ҳисобланади. Энтони Смитга кўра, этник ўзига хослик миллатнинг бошланиши ва миллий-давлатнинг асосини ташкил этади. [16] Шундан келиб чиқиб, дунёда ягона-этник (mono-ethnic) давлатлар, бир нечта этник гуруҳлардан ташкил топган (multi-ethnic) давлатлар, бирор бир этник гуруҳларга асосланмаган (non-ethnic) давлатлар мавжуддир.

Миллий давлатда этник ва миллат орасида қандай боғ мавжуд? Этник сўзи юнонча “*ethnos*” сўзидан олинган бўлиб, паган ёки кофир маъноларини билдирган. Дастлаб, Рим империясида христиан бўлмаган халқларга нисбатан ишлатилинган. Аммо, XIX аср ўрталаридан бошлаб “ирқ” ва “алоҳида бир халқ” маъносида қўлланила бошлади.[5] Бугунги кунда эса этник сўзи асосан “камчилик муаммоси” ва “ирқлар муносабати” шаклида ишлатилади. Этникчиликни кўпинча эзилган ёки камситилган камчиликни ташкил этувчи гуруҳларга тегишлилигини аниқлаш ҳаракатлари ўз миллий-давлатини ташкил этган миллатлардан айириш мақсадида келиб чиқмоқда. Яъни, бир этник гуруҳ ўз давлатини ташкил этиб миллат номини олмоқда, у давлатда яшовчи бошқа этник гуруҳлар эса этник камчилик ёки диаспора номида қолмоқда. Аслида, кўпчиликни ташкил этувчи доминат гуруҳлар камчиликлардан нисбатан оз “этник” маънога эга бўлмасада, гегамон (ҳукмрон) этниклар ўзларининг ижтимоий ва маданий тушуча ва афсоналарини “табиий” ҳолга айлантирганидек сўнг, “этниклиги” кўринмай қолди.[18] Ҳукмрон этник барча этникларни бирлаштирувчи миллийликни тарғиботчиси ва ҳимоячисига айланди.

Бир давлатнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги бир жиҳатдан этнослараро муносабатларнинг яхши йўлга қўйилганлигига боғлиқ бўлсада, давлатнинг узоқ ва барқарор яшаши ҳукмрон этник гуруҳнинг гавдасига кўпроқ юк тушуради. Ҳолбуки, миллат ва давлат орасида жуда катта фарқ мавжуд бўлиб, давлатнинг функцияси барчани ирқи, дини ва эътиқодидан қатъий назар тенг ва адолатли бошқаришдир. Бу ерда асосий масала миллий-давлат тушунчасида ётади. Сабаби ҳукмрон этник гуруҳ ўзининг миллийлигини акс эттирувчи тили, дини, маданияти ва урф-одатларини сақланиб қолишини хоҳлайди ва бу табиий ҳолат бўлиб, онг остида шаклланган жараёндир. Бугунги кунда дунёдаги давлатларнинг деярли барчаси қайсидир маънода лингвистик давлатлар эканлиги ҳам бежиз эмас.

Миллатлар ва этниклар орасидаги иерархик муносабат миллатларга берилган ҳақ ва алоҳида устун имкониятлардан фойдаланишни хоҳлайдиган этникларнинг миллатга айланишини ташвиқ этади. Мустақиллик ва алоҳида ажралиб чиқиш каби мақсадлари бўлмаган этниклар ҳам тезда миллат иншо этишга киришади.

Албатта, баъзи олимлар “этник муаммо” сўзини (шунингдек, “этник можаро”, “этник куч ишлатиш” каби сўзларни) ишлатишга қарши чиқади. Улар этник ўхшашликни ҳар қандай белгиси билан аниқланадиган бир ёки бир нечта гуруҳлар иштирокидаги сиёсий ёки ижтимоий можаро сифатида қарайди. Улар олиб борган эмпирик тадқиқотларида кўпинча этник можаро деб аталувчи муаммолар аслида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мотивлардан келиб чиққанини таъкидлайди.[4] Шундай бўлсада, этник ўзига хосликларига тайяниб можарога кирган этник сепаратистик ҳаракатларнинг якуний мақсадлари ўз миллий-давлатини қуриш эканлиги аниқдир.[10]

Этник муаммоларни бартараф этиш имкониятлари ҳақида гап кетганда мавжуд назариялар алоҳида қўлланилса етарли бўлмайди. Масалан, примордиализм таъкидлаганидек, этник низолар табиатан мавжуд бўлиб, барқарор ва ўзгармасдир деганда қарама-қаршилик пайдо бўлади. “Агар ягона сабаб этник илдиз бўлса ва бу этникчилик ўзгармайдиган бўлса, инсон табиати ва тарихни ўзгаришидан бошқа этник низоларни олдини олиш ва бартараф этиш учун кам имконият мавжуд ёки умуман иложсиздир.”[2] Қарама-қарши ўлароқ Муффнинг сўзлари билан айтганда, “инсоний ҳолатимиздан қочишга кучимиз етмасада, этник низоларни олдини олишга қаратилган ишлар, сўзлар ва институтлар яратишга кучимиз етади.”[12]

Примордиализмнинг этник муаммоларни бартараф этишдаги муҳим роли шундаки, бу назария орқали этник муаммони нақадар кучли ва вайронкорлигини ҳис қилиш имконини беради ва ҳар қандай этник муаммони қай даражада ваҳший тусга кириб кетишини кўриш ва билиш имконини беради. Масалан, Руанда ва Боснияда аёлларни оммавий зўрлаш ҳолатлари инсон табиатида бор ваҳшийликни кўрсатиши билан бирга, аёллари ва болалари зўрланганини кўрган ва билган эркакларни ҳеч қайси йўл билан тинчликка чақиришни имкони ва йўли

йўқлигини, бу фақат қадимда бўлганидек “қонга қон” ва “жонга жон” урушидан қочиб бўлмаслигини кўрсатади холос. Шу боис, сиёсий менеджерлар, олимлар, конфликтологлар инсонни бу даражада вахшийликларга бормаслигини ва олдиндан этник низоларни бартараф этиш чораларини кўришга чорлайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, этник низоларнинг ечими учун сайи-ҳаракатлар, амалий ишлар ва институтционал ёндашувлар орқали ҳал бўлишини эътиборга олганимизда, ечим икки йўл билан яъни, инструментализм ва конструктивизм (институтционализм) назариялари воситасида амалга ошади.

Биринчиси, интрументалист назария тарафдорлари сиёсий ҳокимиятнинг алмашинуви билан янги келган сиёсий етакчининг сўзлари ва амалий ҳаракатлари билан этник низоларга ечими топилишини илгари суради. Албатта, бу таклиф этник низоларни доимий ечими сифатида қабул қилина олмайди. Чунки, эски режимнинг ўзгариши билан ким давлатни бошқариши масаласи диққат эътиборда бўлади.

Иккинчиси, этник низоларни ечимини топиш учун муқобил назария конструктивизм/институтционализм назарияси ҳисобланади. Демократик бошқарув конструктивизм/институтционализм учун муҳим аҳамиятга эга. Аммо, Благоевич таъкидлаганидек, давлатни демократизациялаштириш жараёнида турли низолар келиб чиқишини[3] ҳам эътиборга олиш лозим.

Институтционал ечим икки жараён билан биргаликда ёки алоҳида иш олиб бориши мумкин: институтлар бир этник гуруҳнинг бошқасини олдида ижтимоий ва маданий шаклланган кўркувини кетказиш учун кўпроқ сиёсий вакиллик таниши мумкин. Бу кўрқувдаги этник гуруҳнинг жамоавий ўзига ҳослигини ва маданиятини сақлаб қолишига, жамоавий манфаатлари ва фаровонлигини ошишига, этник гуруҳлар ораси ишонч мустаҳкамлашга хизмат қилиши ва гуруҳ етакчиларига унинг этник белгиларидан қатъий назар сиёсий мақсадларига эришиш учун уларга аниқ структураларни тақдим қилишни рағбатлантириш ёки (иккинчиси) этник гуруҳга автономия бериш орқали амалга ошиши мумкин. Бундай институтлар ва ҳаракатлар одатда, этник гуруҳлар ўртасидаги босимни пасайтириб туради. Чунки, институтлар сиёсий элита ва гуруҳларнинг биргаликдаги жамоавий (коллектив) ишлашини таъминлайди.[7]

Этник низони пасайтириш потенциалидан бири турли этник гуруҳларнинг сиёсий ҳаётда сайловлар воситасида иштирокини таъминлаш ҳисобланади. Сайлов тизими, сайловларда иштирок этиш имкониятлари, умуман сайловларни демократик кўринишда тенг, эркин ва адолатли ўтказилиши этник низоларни олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Баъзи тадқиқотчилар этникчиликка асосланган сиёсий партияларнинг ташкил этилиши орқали этник низоларни ечими ёки олдини олишда муҳим рол ўйнашини ёзади.[11] Лекин, баъзи

тадқиқотчилар бу фикрга қарши чиқади. Айниқса, демократиялашаётган, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан нисбатан қолоқ ва ривожланаётган давлатларда бу тескари таъсир кўрсатиши ва этник низоларни баттар кучайтириворишидан огоҳлантиради.[14] Тадқиқотчи Розель бундай рисклардан қочиш учун баъзан этник гуруҳларнинг “сиёсий, административ ёки иқтисодий ҳақлар” талаб қилишини рад этиш муқобил қарор бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.[15] Лекин, бунда ўта эҳтиёткорлик талаб қилинади. Сабаби, этник гуруҳлар ўзларини изоляцияга тушган ва турли ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум бўлган ҳолатга ҳам тушуб қолганини ҳис қилишни бошлаши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам этник низо ўртага чиқиши мумкин. Бунга бир мисол тадқиқотимиз доирасида Туркиядаги курдларни олишимиз мумкин.

Умуман олганда, тегишли институтларнинг режалаштириш ва бошқариш йўллари муаммоли минтақаларда этник бирдамликни сақлаш ва тинч яшашнинг калити ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам институтлар этник низоларни ҳал қилишда ижобий ва муҳим рол ўйнайди. Институтларнинг вазифаси инсон ҳуқ-атворини, хатти-ҳаракатини йўналтиради ва чегаралайди, раҳбарликни таъминлайди, рағбатлантиради ва имкониятлар яратади. Сиёсий инженерлик ҳам айнан ушбу масалалар устида иш юритади.

Қиёсий институтционализм олимлари масалан, Аренд Лифхарт ва унинг мактаби олимлари бир қанча муассасаларда ҳокимиятлар бўлинишига эътибор беришади. Лифхарт консенсус демократиясини яратиш ҳақида гапириб, унинг турли унсурларини кўрсатиб ўтади. Олимга кўра, пропорционал вакиллик, буюк коалициялар тузиш, қарши вето тизими, кўп партиявийлик тизим, манфаат гуруҳларнинг борлиги ва федерал ёки номарказлаштирилган бошқарув воситалари билан этник низоларни олдини олган бўлади ҳам можароларни ечимини таъминлайди ҳамда можародан кейинги даврда истиқрорли, тинчлик муҳитини яратган бўлади.[11]

Этник плюрализм ва демократиянинг бир ерда бўлиши масаласида доим бир салбий тушунча бўлишига қарамай демократик принциплар ва институтлар нафақат ҳошиш балки этник можароларни ечимида ягона умид сифатида ҳам қаралади.[7] Чунки, демократик сиёсатнинг асосий қондаси ва механизмлари халқни ва ҳатто этник камчиликни “давлат ишларига” кўпроқ киришини таъминлайди.[17] Демократия ва демократиялашув “кўп жиҳатдан ... фарқли гуруҳларни жамиятнинг сиёсий ҳаётига босқичма-босқич киритиш ва уларни тан олиш масаласидир”.[8] Этник камчилик ўзларини манфаат гуруҳларига, сиёсий партияларга ва бошқа маҳаллий ташкилотларга боғлиқлигини ортириши мумкин. Бу ташкилотлар орқали этник гуруҳлар сайлов пайтида ўз номзодларини илгари суриши, сиёсатни ривожлантириш ва амалга оширишда лоббилик қилиши, зўравонликга қўл урмасдан ҳукумат вакиллари билан муҳокама қилиши, гуруҳга етакчилик учун ҳукумат вакилларини

қабул қилиши ва бошқа ишларни амалга ошириши мумкин. Бу ишлар этник низоларни олдини олиши билан бирга демократиянинг ҳам ишлашини таъминлайди.

Лекин, барча демократияларда бу ишларни амалга оширилишига шубҳа билан қаралади. Бир қанча тадқиқотчилар плюралистик демократияни ҳар доим ҳам этникчиликга мос келмаслигини таъкидламоқда. Бунинг ўрнига, институтларнинг куч бўлинишига аҳамият қаратилган бошқа бир демократиянинг муҳим эканлигини илгари сурмоқда.[7]

Шулардан бири этник низоларни олдини олиш ёки бартараф этиш учун давлат бошқарувини федератив тариздаги бошқарувига ўтиш ҳақида бир қанча таклифлар ишлаб чиқилган. Уларга кўра, охириги пайтларда можароларнинг характери ўзгарди, буни этник, диний ва тиллар хилма-хиллигига асосланган фуқаролик урушлари ва низоларнинг тарқалиши тасдиқлайди. Бу “янги турдаги” низоларни ҳал қилишда этно-маданий вазиятларни бошқариш учун янги воситаларни ишлаб чиқаришни тақозо этмоқда. Федерализм этник озчиликни ҳам кўпчиликни ҳам интилиш ва талабларини қондира оладиган ана шундай воситалардан биридир. Чунки, федерализм озчилик гуруҳларга ўзларининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий шароитлари устидан назорат қилиш ҳуқуқини бериш билан бирга, давлат ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолади.[13]

Нэнси Бермео федерализмнинг “тинчлик сақловчи” хусусиятлари ҳақида ёзади. Унга кўра, федерализм низоларни изоляция қилиб туради, этник озчилик гуруҳларни тинч йўл билан мослаштиради ва этно-маданий зиддиятларга демократик жавоб беради. Бундай демократик институтлар мавжуд бўлмаган тақдирда, муқобил ўларов ё геноцид ёки этник тозалаш, ёки ажралиш, бўлиниш ёки можарони давом этиши бўлиб, бу вариант этник зиддиятларни фақат ёмонлаштиради.[1] Тадқиқотчи Ханнум эса федерализм кўп миллатли давлатларда этник сепаратизмни йўқата олмасда, давлатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолади, деб таъкидлайди.[6]

Тадқиқотчилар кўплаб этник низоларга эга давлатлар (масалан, Босния ва Герцеговина (1995 йилда), Эфиопия (1995 йилда), Ироқ (2005 йилда), Непал (2015 йилда) ва бошқа) федератив бошқарувга ўтганини таъкилаш билан бирга барча федератив бошқарувга ўтган давлатларда этник муаммолар ечим топмаганини таъкидлаб ўтади.[13] Бунга сабаб қилиб, низо ва зиддиятлардан кейинги қайта қуришда ўртага чиқадиган муаммолар, демократик бошқарувни тўлиқ ўрната олмаслиги, бошқарувнинг клан ва қабилаларнинг қўл остига ўтиб қолиши ва ҳақозо сабабларни келтириб ўтади.

ХУЛОСА

Умуман олганда, федерал ва автоном масалалари бошқарув билан боғлиқ масалалардир. Шу боис, федерал ва автоном бўлмаса ҳам бошқарувнинг кучли ва адолатли йўлга қўйиш билан ҳам этник масалаларни ижобий ҳал қилиш ва бошқариш мумкин.

Этник масалаларда барқарорликни таъминлаш давлат бошқарувининг кучлилиги ва аҳолининг савиясига ҳам бевосита боғлиқдир. Аҳолининг саводхонлиги, ёзиш ва ўқиш даражаларининг юқорилиги этник ва миллатлараро тотувлик ва жамият тараққиётининг кафолатидир. Аҳоли саводхонлиги паст жамиятларда одамларнинг кўпол муамолада бўлиши ёки турли диний ва ирқчилик чақириқ ва даъватларига осонликча эргашиши кўп кузатилган ҳолатдир. Жамиятда бошқарувнинг тўғри йўлга қўйилиши, бюрократик ташкилотларнинг самарали фаолияти, жамиятни рискга олиб борувчи кескин стратегия ва режалардан иложи борица ҳоли бўлиш ҳам кўп жиҳатдан этник масалаларда барқарорликни сақлаб туришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, жамиятда секуляризация билан диний радикаллашув ўртасида баланс бўлиши керак. Юргенсмейер, кўплаб замонавий жамиятларда диний радикализмнинг ортиши аҳолининг қолган қатлами томонидан секуляризмнинг кучайишига паралел сифатида юз бермоқда, деб таъкидлаганди.[9] Ҳақиқатдан ҳам ҳаддан ташқари секуляризация диний қатламнинг радикаллашувига ҳам олиб келиши мумкин. Ёки ҳаддан ташқари диний босимни ортиши секуляризация тарафдорларининг эътироз ва нарозиликларининг кучайишига олиб келиши мумкин. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, этник зиддиятлар этник хилма-хиллик бор жойда ҳар доим рискга эга бўлиб туради. Этник низоларни ҳал қилишнинг ягона ва/ёки универсал назарий ёки амалий ёндашуви ишлаб чиқилмаган. Шундай бўлсада, этник низоларни ҳал қилиш борасида олиб борилган тадқиқотлар эътиборга лойиқдир. Этник низоларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан бошқарувга ва демократик институтларга боғлиқ эканлиги борасида соҳа олимлари ҳамфикрдир. Бошқарувнинг демократик шаклланиши, ҳокимиятлар кучлар бўлиниши принципи асосида ишлаши, том маънода суд тизимининг мустақиллиги, ўз эркинлиги, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг кафолатланганлиги каби демократик институтларнинг яхши йўлга қўйилгани, ресурслардан шаффоф ва тенг тақсимланган ҳолда фойдаланиш каби унсурлар нафақат этник муаммо ва зиддиятларни бартараф этади, балки жамиятни тез тараққиётга эришишини, ижтимоий интеграциянинг жадаллашишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Bermeo N., "The Import of Institutions", Journal of Democracy, No13 (2), 2002. – pp. 96-110.
2. Blagojevic Bojana, Ethnic Conflict and Post-Conflict Development Peacebuilding in Ethnically Divided Societies. PhD. Dissertation, The State University of New Jersey: U.S.A., 2004. – P. 50.

3. Blagojevic Bojana, Ethnic Conflict and Post-Conflict Development Peacebuilding in Ethnically Divided Societies. PhD. Dissertation, The State University of New Jersey: U.S.A., 2004. – P. 59.
4. Crawford B. & Lipschutz R., The Myth of ‘Ethnic Conflict’: Politics, Economics, and ‘Cultural’ Violence, University of California International and Area Studies Digital Collection, Research Series, Vol 98, 1998; J Mueller, ‘The banality of “ethnic war”’, International Security, 25 (1), 2000, pp 43–72; Bruce Gilley, Against the concept of ethnic conflict, FEATURE REVIEW, Third World Quarterly, Vol. 25, No. 6, 2004, pp. 1155–1166.
5. Eriksen T. H., Ethnicity and Nationalism: Anthropological Perspectives. London: Pluto Press. Second edit. 2002. – P. 15-25.
6. Hannum H., “Territorial Autonomy: Permanent Solution or Step towards Secession?” 2004. Манба: Paul Anderson and Soeren Keil, юқоридаги манба.
7. Hong Jae Woo, Power-Sharing Solutions on Ethnic Conflicts: A comparative analysis of institutional effects on ethnic politics. The Korean Journal of International Relations, Vol. 45, No 5, 2005. – P. 10-12.
8. John Dryzek “Political Inclusion and Dynamism of Democratization,” American Political Science Review. 90:2 (1996), p.486. Манба: Hong Jae Woo, ўша жойда.
9. Juergensmeyer Mark, Global Rebellion: Religious Challenges to the Secular State. University of California Press, Berkeley, 2008.
10. Kenneth McRoberts, “Canada and the Multinational State”, Canadian Journal of Political Science, Vol. XXXIV, No. 4, 2001. – P. 687.
11. Lijphart Arend. Patterns of Democracy: Government Forms and Performance in Thirty-Six Countries. New Haven: Yale University Press, 1999.
12. Mouffe Chantal, On the Political. London; New York: Routledge, 2005. – P. 130.
13. Paul Anderson and Soeren Keil, Federalism: A Tool For Conflict Resolution? March, 2017 // https://www.researchgate.net/publication/317013058_Federalism_A_Tool_for_Conflict_Resolution
14. Prazauskas Algis, Ethnic Conflicts in the Context of Democratizing Political Systems: Theses, Theory and Society 20(5), 1991. – P. 582.
15. Rosel Jakob, Nationalism and Ethnicity: Ethnic Nationalism and the Regulation of Ethnic Conflict, in Turton David (ed.), War and Ethnicity: Global Connections and Local Violence. San Francisco: Boydell Press, 2002. – pp. 158-159
16. Smith Anthony D., The Ethnic Origins of Nations. Wiley-Blackwell, 1991.
17. Timothy Sisk, Power Sharing and International Mediation in Ethnic Conflicts, (New York: Carnegie Corporation, 1996).
18. Yuval-Davis N., Gender and Nation. London: Sage Publications, 1997. – P. 92